



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 103 (12.414)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Сўнги кўнғироқ

ХАЙР МАКТАБИМ, АЗИЗ МАСКАНИМ

Юртимизнинг барча умумтаълим мактабларида ўқув йили якунига етиб, сўнги кўнғироқ садолари янгради. Битирувчи ёшларнинг қалбини ҳаяжонга тўлдирган бу охири кўнғироқ уларнинг мустақил ҳаётга илк олға қадам ташлашидан нишона.

Мамлакатимизнинг таълим тизимида амалга оширилаётган улкан ислохотлар, бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Айниқса, жаҳон андозалари асосида бунёд этилаётган ўқув муассасалари, уларнинг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланилаётгани фикримиз далилидир.

Эътироф этиш кераки, ҳозирда Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфида 293 та умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатади. Ушбу ўқув масканларида қарийб 300 мингга яқин ўқувчилар таҳсил олишади, шулардан 38.317 нафари битирувчилардир. Келгусида 9-синфни тамомлаган ўқувчилар касб-хунар коллежлари ва академик лицейларида таълимни давом эттиришади.

Доимидек бу йилги сўнги кўнғироққа ҳам катта тайёргарлик кўрилди. Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги 324- мактабда ҳам ушбу тадбир тантанали равишда ўтказилди. Юракларда ҳаяжон, кўлларда бир даста гул билан қатор турган битирувчилар. Не — не орзуларни қалбига туғиб, ҳаёт йўллари чароғон қилишни олдиларга мақсад қилган ўғил — қизлар устозлари, синфдошлари, партадошлари билан хайрлашади.

— Мактабимизнинг фаолият бошлаганида 17 йил тўлди, — дейди 324 — мактаб директори Салима Шаропова. — Ҳозирда 1504 нафар ўқувчилар бу даргоҳда таълим олади. Мактабимизнинг фаол, намунали хулқа эга 234 нафар битирувчиларини янги ҳаётга кузатмоқдамиз. Ўқувчиларимиз иқтидорли, кучли билим эгалари. Ўйлаймизки, улар устозларининг ишончини оқлайди. Битирувчи ўқувчиларнинг ота — оналари билан урғашганимизда уларнинг хоҳиш ва

қизиқишлари билан ўртоқлашиб, касб-хунар коллежлари ва лицейларида таълимни давом эттиришлари учун аризаларини қабул қилиб олдик.

Тадбирда сўзга чиққанлар, битирувчиларга келгусида билим олиш йўлида, танлаган касблари билан муваффақиятларга эришишлари учун оқ йўл тилашди. Тантанали байрам якунида битирувчилар «Хайр мактабим» қўшиғини биргаликда қўйлашди. Ўқитувчиларга, устозларга миннатдорчилик билдириб, гуллар ва совғалар улашди.

Тадбир сўнгиде битирувчи ўқувчиларнинг ота — оналари ва ўзлари билан суҳбатлашди.

— Ўғлим Фаррухжон Фозиловнинг мактабга қадам қўйганига ҳам 9 йил бўлибди, — дейди Наргиза Холматова. — Жудаям ҳаяжондаман. Ўғлим мактабнинг махсус синфини тамомлади. Ошпазликка қизиқди. Келажақда ўз танлаган касби билан Ватанимизга хизмат қилсин дейман.

— Менинг келажақдаги орзуларим бисёр. Тошкент Молия институтининг банк соҳасида фаолият юритмоқчиман. Меҳрибон ўқитувчиларимдан миннатдорман. Улар берган тарбия ва билимларига доим амал қиламан. Доим уларнинг ҳолидан хабар олиб тураман, — дейди битирувчи Сардор Раҳимов.

Азиз битирувчилар, орзуларингиз ушалсин. — Сизларнинг мустақил ҳаёт йўлингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Келгусида буюк келажагимизнинг бунёдкорлари бўлинг.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Козим Улмасов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақдим этилган кун тартиби тасдиқлангач, депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Қонунчилик палатасининг мажлиси ҳамда ундан олдин бўлиб ўтган Қонунчилик палатаси Кенгаши, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг йиғилишлари яқинда қўйилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун талаблари асосида ташкил этилди.

Қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқиш давомида маърузачилар сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг тегишли қонун лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Чунончи, депутатлар «Гаров реестри тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур ҳужжатда гаров реестрини ҳисобга олишнинг ягона базасини яратишга доир ҳуқуқий механизмлар белгиланган бўлиб, улар гаровга қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш, шунингдек, уни гайриқонуний равишда реализация қилиш ёки бошқа шахсга беришнинг олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Гаров реестри маълумотларнинг ягона ахборот базаси бўлиб, у жисмоний ва юридик шахсларнинг гаров таъминотида доир ҳуқуқлари юзага келганини, шунингдек, бу ҳуқуқлар ўзгарганини ёки тугатилганини ҳақидаги электрон шаклдаги ёзуви ўз ичига олади.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида юзага келган имконият ҳамда қонун лойиҳаларининг қўмиталар ва фракциялар кўриб чиқиши учун бир вақтнинг ўзига келиб тушиши фракцияларга қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикрлари ва таклифларини батафсил тайёрлаш имкониятини яратди. Мисол учун, ЎзЛиДеП фракцияси қонун лойиҳасини мамлакатимиз минтақаларида тадбиркорлар, соҳа мутахассислари, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда муҳокама қилишни ташкил этишга муваффақ бўлди. Фракция ўтказган давра суҳбатида миллий ва халқаро экспертларнинг қонун лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалари эшитилди. Буларнинг барчаси фракциянинг қонун лойиҳаси юзасидан масъул қўмиталарга киритган нуктаи назарда ҳисобга олинди.

Чунончи, ЎзЛиДеП фракцияси вакиллари шунини алоҳида таъкидладиларки, қонун лойиҳаси Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепцияси доирасида демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш соҳасида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси молия-банк тизимини янада ривожлантиришга, молия хизматлари бозоридида миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва рақобатни кучайтиришга, энг юқори халқаро андозаларга жавоб берувчи замонавий бозор инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган.

Бунда қонун лойиҳасининг энг муҳим вазифаси кредитларни расмийлаштириш тартиб-таомилини янада такомиллаштириш, кўчар мулкни гаров айланмасига киритиш ҳисобига кичик бизнеснинг кредит орқали молиялаштиришдан эркин фойдаланишини кенгайтириш ҳамда мол-мулкни гаровга қўйиб, кредит беришда тижорат банкларининг таваққулини камайтиришдан иборатдир.

ЎзХДП фракцияси депутатлари мазкур қонун лойиҳаси юзасидан билдирган ўз нуктаи назарларида гаров реестрини ташкил этишдан асосий мақсад гаров тўғрисида ишончли ахборот йиғиш, унга ишлов бериш ва уни гаровга қўйилган мол-мулкка ҳуқуқи бўлган ёки уни олишни хоҳлаган шахсларга беришдан иборат эканлигига асосий эътиборни қаратдилар. Ушбу қонун гаров таъминотлари бўйича ахборотларни ҳисобга олиш, сақлаш ва алмаштириш борадаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Бу чора-тадбирлар, авваламбор, гаровга қўйилган мол-мулкнинг давлат томонидан аниқ ҳисобга олинишини таъминлашга, шунингдек, унинг гайриқонуний равишда реализация қилиниши ёки бошқа шахсга ўтказилишининг олдини олишга қаратилгандир.

Фракция аъзолари шунини алоҳида таъкидладиларки, уларнинг қонун лойиҳаси юзасидан олдиндан билдирган фикрлари ва таклифлари масъул қўмиталарга топширилди, ушбу фикрлар ва таклифлар қонун лойиҳасини парламентнинг қўйи палатасида кўриб чиқиш чоғида инобатга олинди.

«Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳасининг жуда муҳимлигини, шу жумладан, қонун лойиҳасида гаров реестрининг ягона базаси асосида гаров предметининг ҳуқуқий мақомини тезда аниқлаш бўйича берилган имкониятдан кредитдорлар, қарз олувчилар, гаровга қўювчилар ва гаровга олувчилар фойдаланишлари мумкинлигини, бу эса мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга, тадбиркорликка катта эркинлик беришига, миллий иқтисодий тизимнинг янада мустаҳкамлашишга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 3-бетда)

ишга жойлашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Юртимизда ёшларнинг мукамал таълим-тарбия олишига, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллашига яқиндан қўмақлашиш учун қўлай имконият яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим муассасалари томонидан барча соҳаларда мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш, олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар битирувчилари, иш билан банд бўлмаган бошқа фуқароларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бораида кенг қўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Меҳнат бозоридидаги мавжуд касбларга бўлган талаб ва эҳтиёжни тизимли равишда, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим даргоҳлари билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, ёшлар учун бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ташкил этиш бораидаги ишлар бунга ёрқин мисолдир. Ярмаркаларда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тавсия этилган иш ўринлари билан чегараланмай, ёшлар ўз бизнесларини йўлга қўйиш учун молия муассасаларининг имтиёзли кредитлари, касб ўрганиш ва малака ошириш хизматлари ҳам таклиф этилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик» поезди Қарши шаҳрига етиб келди. Поезд таркибида келган малакали шифокорлар «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими мутахассислари билан ҳамкорликда Деҳқонобод туманининг чекка қишлоқларида яшаётган аёллар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказди.

● Кўнғирот туманидаги Есемурат Жиров номидаги болалар мусиқа ва санъат мактабидида Обод турмуш йилига бағишланган «Санъатим сенга, обод юртим!» деб номланган танлов бўлиб ўтди. Танловда миллий кўшиқчилик, соҳнада, эстрада ва ракс санъати йўналишида тумандаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 50 га яқин санъат иҳлосмандлари ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

● Термиз шаҳридаги «Сурхон» спорт мажмуасида ёшлар фестивали ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари, ота-оналар иштирок этди.

● Нукусда «Қамолот» ЁИХ марказий кенгаши, Адлия, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида коллеж ва академик лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг мамлакат босқичи якунланди.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг Nissan автомобилсозлик концерни рул қисмидаги носозликларни учун жаҳон бўйлаб сотилган 840 мингга автомобилларни қайта таъмирлаш учун қайтариб олмоқда. Жумладан, Буюк Британиянинг Сандерленд шаҳридаги заводда 2002-2006 йилларда тайёрланган юз мингдан ортиқ Мисга, шунингдек, ўша йилларда Японияда йиғилган Cibe моделлари ҳам қайтариб олинмоқда.

● Ҳиндистон марказида жойлашган Чхатисгарх штатида маҳаллий сиёсатчилар ҳаракатланаётган автоколоннага жангариларнинг ҳужуми натижасида камида 28 киши ҳалок бўлди, 24 та одам тан жароҳатлари олди. Штат полицияси мазкур жиноятни амалга оширган экстремистик гуруҳларни излаш бўйича махсус операцияни амалга оширишни бошлади.

● Швеция пойтахти Стокгольм шаҳри атрофларида хавфсизлик чораларининг кучайрилиши ва қўшимча полиция кучларининг жойлаштирилишига қарамасдан, олти кундан буён ёшлар машиналар ёқишни ва бошқа тартибсизликларни амалга оширишни давом эттирмоқдалар. Бугунга келиб полиция томонидан 23 киши ҳибсга олинган, 40 та жойга ўт ўчириш кучлари чақирилган. Тартибсизлик бошқа шаҳарларга ҳам кўчмоқда.

● Икки мингдан ортиқ киши Бостон шаҳри марказига жорий йилнинг 15 апрелида террорчилар томонидан тўхта-тилган марафонда иштирок этиш учун тўпланишди. Иштирокчилар орасида ўтган марафонда қатнашган, шунингдек, қўлбола бомбалар портлаши натижасида жабрланган спортчилар ва ҳаваскорлар бор.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Суд экспертизасининг замонавий имко-

ниялари» мавзусида матбуот анижумани бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида «Алоқа,

ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси бўйича бўш иш ўринлари ярмаркаси» ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Сергели туманидаги Йўлдош ал-Фарғоний маҳалласида ўтказилган тадбир соғлом турмуш тарзига бағишланди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи чорагида 250,4 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Иш жойларининг қарийб олтинчи фоизи қишлоқ жойларда яратилди.

Форумни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад иш юритишнинг замонавий шароитида меҳнат бозорини ривожлантириш тенденциялари, ходимлар бошқаруви ва кадрлар тайёрлашнинг самарали стратегияси борасида ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашишдан иборат.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда Бош қомусимизда қафолатланган ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш каби ҳуқуқлари тўла таъминланган. Аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид қатор қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоси сифатида ушбу ташкилотнинг ўндан зиёд конвенциясини ратификация қилган ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Анжуманда мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар меҳнат бозори талабларига

тўлиқ жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилаётгани қайд этилди. Юртимизда иқтисодиётнинг барча бўғинларини барқарор ривожлантириш, чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш, саноат корхоналарини ташкил этиш, маъжудларини реконструкция ва модернизация қилиш орқали аҳоли, хусусан, ёшларнинг бандлик даражасини тобора юксалтиришга

моқда. Ўзбекистонда таълим муассасалари битирувчиларини эгаллаган иختисосликларига мувофиқ ишга жойлаштириш, ёшларнинг бандлик даражасини ошириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар тахсинга лойиқдир. Бу савъ-харақатлар Ўзбекистон иқтисодиётини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

рининг мувозанатини таъминлаш каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди. Ёш мутахассисларни ишга жалб қилишнинг самарали дастурлари бўйича фикр ва тажриба алмашилди.

«Муваффақиятли кадрлар – муваффақиятли бизнес» халқаро форуми доирасида «Замонавий меҳнат бозорига талаб этиладиган малакали кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртли ва бизнес ҳамкорлигини интеграциялаш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Иш кўп» мавзусида олий таълим муассасаларида карьера қуни ва бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг етакчи фирма ва компанияларидаги бўш иш ўринлари учун номзодлар танлаб олишда кенг имконият яратилди. Тадбирда нафақат таълим муассасаларини битираётган йигит-қизлар, балки тажрибали мутахассислар ҳам ўзлари истаган ишни топишга муваффақ бўлдилар. Бу каби тадбирлар янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил тараққий этиши ҳамда иқтисодиёт тармоқларида Йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилишига хизмат қилади.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

эришилаётгани таъкидланди. Бунда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ходимлар бошқаруви борасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Ўзбекистон иқтисодиёти юқори суръатларда ривожланаётди, – деди «Employer Brand International» компанияси раҳбари Бретт Минчингтон (Австралия). – Бу мамлакатини гизда минглаб янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш, шу орқали халқ фаровонлигини оширишга хизмат қил-

Форумда Ўзбекистон замонавий меҳнат бозорининг бугунги аҳоли ва ривожлантириш истиқболлари, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлашга оид давлат сиёсати, ёшларни иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва йўналишлари, мамлакатимизга сармоя жалб этиш орқали янги иш жойларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигини янада такомиллаштириш, ходимларни танлашнинг замонавий усуллари, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ходимлар ва иш берувчилар манфаатла-

КАСБЛАР ЯРМАРКАСИ

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун касблар ярмаркаси ўтказилди.

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ўқув маркази директори М.Охунова ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида болаларнинг пухта билим олиши, ўз иқтидорини, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллаши ҳамда ишга жойлашишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, касб-хунар эгаллаши учун яқиндан қўмақлаштишга оид бир қатор ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бир неча босқичда ўтказилган касблар ярмаркасида умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаётган ўқувчиларнинг билими, касбларга қизиқиши ҳақида сўров ўтказилди. Навбатдаги босқичда болаларга Тошкент шаҳридаги ўрта махсус, касб-хунар билим масканлари, улардаги йўналиш ва иختисосликлар ҳақида атрофчила маълумот берилди. Ярмарканинг охири – учинчи босқичда эса Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўзлари танлаган касб ҳақида тақдимот тайёрлади.

21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Алишер Рустамов Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 80-мактабнинг 9-синфини битирди. Келгусида темирйўлчи бўлиш орзусида.

– Касб танлашда, унинг ўзига хосликлари ҳақида тўлақонли маълумот олишда амалиётчи-психолог, устоз ва мураббийларимиз бизга яқиндан ёрдам берди, – дейди ЎЗА мухбири Алишер. – Ушбу ярмаркада шахримиздаги кўплаб коллеж ва лицейлар ҳақида маълумотга эга бўлдик. Мен Тошкент темирйўл транспорти касб-хунар коллежига кириб ўқишга аҳд қилдим.

Назокат УСМОНОВА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ижросини таъминлашда маҳалланинг вазифалари» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда «Маҳалла» фонднинг масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Оила» илмий-амалий маркази вакиллари, фонднинг ҳудудий бўлими бошқаруви бош мутахассислари, фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Маҳалла — халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминловчи тузилма бўлиб, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва хайру саховат сингари инсоний фазилатларни ўзида муҳассам этади. Миллий қадриятларимизни улуғлайдиган ушбу маскан қадрдон уйимиздир. Таъкидлаш жоизки маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удуллар, урф-одат, аънавлар шаклланган маскан ҳисобланган.

Айни кунларда юртимиздаги ўн мингга яқин маҳаллаларда «Оила, маҳалла, таълим муассасаси» ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш ва кучайтириш асосида оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлашга, ёшларни баркамол инсонлар этиб камол топтириш, уларнинг пухта билим олишлари, спорт билан шуғулланишлари ҳамда касб-хунарга жалб этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан бирга диний ва миллий бағри-

кенглик, юксак маънавият эгаси бўлиш ҳамда бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиган, инсоний қадр-қимматни эъзозлайдиган қилиб тарбиялашда оиланинг, қолаверса, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Ушбу масъулиятли ишлар фаолияти бўйича бир-бирига ўзаро босқич бўлган уч омил, яъни «Оила — маҳалла — таълим муассасаси»

ларида ташкил этилган ҳудудий жамоат кенгашлари томонидан биринчи чорак давомида таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш мақсадида 16 мингдан ортиқ ўқувчиларнинг дарс жараёнига жалб этилиши бўйича тадбирлар ўтказилгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, ўқишга мунтазам қатнамайдиган ўқувчиларнинг ота-оналари билан 7555 маротаба тушун-


ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИ

ҳамкорлиги асосида тизимли равишда амалга оширилмоқда. Улар ўзрасида самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ўсмирлар орасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг, шунингдек, гиёҳвандлик, диний экстремизм, «оммавий маданият» ва шунга ўхшаш иллатларнинг олдини олишда кўл келмоқда. Асосийси, бу ҳамкорлик ёшларни ҳар томонлама баркамол, ҳам жисмонан, ҳам маънавий етук қилиб тарбиялашда, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда ҳал қилувчи кучга айланиши тадбирда таъкидланди.

Анжуман давомида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар ижросини амалга ошириш мақсадида республикадаги 9 885 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш орган-

ларида ташкил этилган ҳудудий жамоат кенгашлари томонидан биринчи чорак давомида таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш мақсадида 16 мингдан ортиқ ўқувчиларнинг дарс жараёнига жалб этилиши бўйича тадбирлар ўтказилгани айтиб ўтилди. Шунингдек, ўқишга мунтазам қатнамайдиган ўқувчиларнинг ота-оналари билан 7555 маротаба тушун-

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎТКИР ҲОШИМОВ



Ўзбек адабиёти ва санъати оғир жудолликка учради. Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов 2013 йил 24 май кuni 72 ёшида вафот этди.

Ў.Ҳошимов 1941 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1964 йили Тошкент давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини тамомлади.

У меҳнат фаолиятини 1959 йили «Темирйўлчи» газетасида оддий ходим сифатида бошлади. Кейинчалик «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми» газеталарида хизмат қилди. Фафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўрин-

босари, «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири каби масъул вазифаларда ишлаб, адабиётимиз ва матбуотимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Ў.Ҳошимов мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этди. 1995-2000, 2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси лавозимида фаолият кўрсатди.

Истеъдодли адиб ўзининг ярим асрлик ижодий фаолияти давомида «Мухаббат», «Урушнинг сўнги қурбони», «Ўзбек иши» каби ҳикоялари, «Чўл ҳавоси», «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади», «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Дунёнинг ишлари» сингари қиссалари, «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» каби романларида даврнинг муҳим маънавий-ахлоқий масалаларини кўтариб чиқди. Ушбу асарлар миллий руҳи ва халқчилиги, ҳаётийлиги, ўзига хос ёрқин услуби билан кенг қитбохлар қалбидан жой олди.

Ў.Ҳошимов драматургия соҳасида ҳам самарали ижод қилиб, «Хазон бўлган баҳор», «Инсон садоқати», «Тўйлар муборак», «Қатагон» сингари долзарб мавзулардаги драматик асарларни яратди. Унинг жаҳон мумтоз адабиётининг сара намуналаридан қилган бадий таржималари адабиётимиздан муносиб ўрин эгаллади. Айни пайтда, ёзувчининг қатор асарлари жаҳоннинг бир қанча тилларига таржима қилинди.

Атоқли адиб мустақиллик йилларида, айниқса, ғайрат-шижоат билан ижод қилди. Бадий асарлар билан бирга, маҳоратли публицист сифатида Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг эркин, озод ва фаровон ҳаётини, инсон қадриятларини тараннум этувчи «Она битта, Ватан ягона», «Биз ҳеч қимдан кам эмасмиз», «Истиқлолни асрайлик», «Кечани унутмаган бугунки қадрайди» каби ўнлаб мақолалар эълон қилиб, кўпчилигининг эътиборини қозонди.

Ў.Ҳошимов тажрибали адиб, жонқур ташкилотчи сифатида маданий жараёнларда фаол иштирок этиб, халқимиз ўртасида миллий ғоя тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она юртва муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди. Кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Ўткир Ҳошимовнинг ўзбек адабиётини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони, Ўзбекистон Давлат мукофоти, «Меҳнат шухрати» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли ёзувчи, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ўткир Ҳошимовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, А.ИКОМОВ, Х.СУЛТОНОВ, М.АХМЕДОВ

ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ ТАРҒИБ ЭТИЛДИ

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида «Гиёҳвандлик, одам савдоси, диний экстремизм ва террорчилик — жамият барқарорлигига таҳдид» мавзусида маънавий-маърифий, бадий-ижодий шоу дастури ташкил этилди.

Яккасарой туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ҳамда Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда олий мактаб талабалари ҳамда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этдилар.

Ундан кўзланган асосий мақсад олий мактаб ўқувчиларининг соғлом фикрлашини шакллантириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, санъат қирралари ҳақида қўнқима-малакаларини ошириш, маънавий-маърифий ишлар, тарғибот-ташвиқот чора-тадбирларига иқтидорли талабаларни жалб қилишдан иборат.

Даврани Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчилари ўзларининг оммавий рақсларини намойиш этиб, инсонийлик фазилатларини тарғиб этувчи сахна кўриниши, диний экстремизмга қарши курашиш мавзусидаги «Сўнги пушаймон...», ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши «Кўрмайин босдим тиканни» сахна кўринишлари меҳмонларнинг кўнгилларидан жой олди. Шунингдек, Ўзбекистон Давлат консерваторияси эстрада хонандалиги бўлими 2-курс талабаси Х. Мўминов ижросида қўшиқ, «Одам савдоси — аср муаммоси» мавзусига оид «Ўзга юрта шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл» каби ҳаётий мисоллар ёрдамида тарбиявий сахна кўриниши, «Хиндча рақс», «Гиёҳвандлик, наркомания ва алкоғолизм — барча иллатларнинг доиси» номли трагик спектакль оммага тақдим этилди. Тадбир сўнигда Ш. Бокуюлов ижросидаги ватанпарварликни мадҳ этувчи «Ватан» қўшиғи барча ёшларда ўзгача таассурот қолдирди.

Ҳабиба ЙҮЛДОШЕВА

дида уларни касб-хунарга ўргатиш, спорт машғулотларига жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан зарур услубий-амалий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Соҳа вакиллари томонидан Республикаимиздаги барча маҳаллаларда ёшларни ҳаётга руҳий-маънавий жиҳатдан тўлиқ тайёрлаш, уларда масъулият ҳиссини уйғотиш юзасидан ибратли оилалар билан учрашувлар ташкил этилиши йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир. Бу борада фуқаролар йиғинларида «Бир болага етти қўшни ота-она», «Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз!», «Биз — бир оиламиз», «Озод ва обод Ватанда бахтли яшаш — ўз қўлимизда!», «Биз ҳеч қимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам» мавзуларида учрашувлар ташкил этилди.

Қизгин тарзда ўтган анжуманда оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорликдаги вазифалари ҳақида батафсил маълумотлар ҳамда тизим мутасаддиларининг ушбу ҳамкорлик механизмининг янада такомиллаштиришга доир тавсиялари берилди.

Анжуман иштирокчилари ҳамкорлик вазифаларини самарали амалга оширишда фонднинг бош мутахассислари, шунингдек, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ўз навбатида, тегишли мутасадди ҳамкор ташкилотлар олдида турган долзарб вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтишди.

Анжуман якунида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА



Аскар Бабоев (ЎЗА) олган сурат

Импорт ҳажми ва тузилмасини тизимли таҳлил қилиш ҳисобга олинган ҳолда, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, мамлакатимизда рақобатбардош, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш иқтисодий тизимининг юқори ўсиш суръатларини таъминлашга ёрдам бермоқда. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистонда ушбу жараёнлар учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуаси корхоналарининг навбатдаги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси шу йил 20 октябрдан 2 ноябргача бўлиб ўтadиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг биринчи босқичи доирасида ўтказилмоқда.

Уларни ўтказишдан асосий мақсад саноатнинг турли тармоқлари корхоналарига қайта ишланган хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва тайёр товарларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш бўйича узок муддатли хўжалик муносабатларини кенгайтириш, тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга кўмаклашиш, хориқлик харидорлар ва Ўзбекистон Республикасида маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштираётган бўлажак шерикларни жалб қилишдан иборатдир.

Жорий йилда Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуаси корхоналарининг навбатдаги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси доирасида 100 дан ортиқ корхона иштирок этди.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибига қирадиган «Sino» очик акциядорлик жамияти, «Самарқанд лифт-созлик заводи» очик акциядорлик жамияти, «Фотон» давлат унитар корхонаси, «Arte» савдо белгиси ости-

даги компаниялар гуруҳи, «Asia Trans-Energo» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқа корхоналар ўз маҳсулотларини кенг намойиш этмоқда. Уларнинг стандартлари бу ерга ташириб буюрганлар ва иштирокчилар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бунинг сабаби шундаки, электр техника саноати корхоналари сўнгги йилларда замонавий русумдаги телевизорлар, маиший саноат музлатгичлари, кондиционерлар, газ

КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА, МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

плиталари, чангютгичлар, энергия тежайдиган лампалар, электр чойнаклар, дэзмол ва телефонлар каби кўплаб мураккаб маиший ҳамда радио техника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

«Sino» очик акциядорлик жамиятининг сотиш бўйича менежери Отабек Жамолидиновнинг айтишича, корхона Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа биринчи ҳамда иккинчи босқичининг доимий иштирокчиси ҳисобланади. Бунинг самарасида маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражасини 80 фоизгача ошириш ва 12 турдаги музлатгич ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришилди. Бу йўналишдаги ишлар бугун ҳам давом этмоқда ва ҳамкор тармоқлар корхоналарига бир неча турдаги полистирол, фреон учун мис трубакалар, етти турдаги кескичлар, музлатгич ускуналарини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган терморегуляторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тақлиф этилмоқда.

Кўргазма майдонида намойиш этилаётган «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси экспозицияси ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бугун Ўзбекистон автомобиль саноати энг юксак жаҳон стандартлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни тез ўзлаштириш имконини берадиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган қатор корхоналардан таркиб топган. Маҳаллийлаштириш ва им-

«Ўзэкспомарказ»да Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуаси корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси очилди.

порт ўрнини босиш дастури доирасида тармоқда кўплаб янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларни тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида иштирок этаётган ўттиздан ортиқ корхона ёрқин намойиш этмоқда.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, стендларда намойиш этилаётган 130 турдаги маҳсулотнинг етмиштаси янгидир. Улар «JV MAN Auto-Uzbekistan», «Ўз-Тонг Хонг Ко» кўшма корхоналари, «Ўз Донг Янг Ко» акциядорлик жамияти, «Автокомпонент», «Автоойна» очик акциядорлик жамиятлари, «ЎзМинда» кўшма корхонаси ва бошқа корхоналар томонидан тақдим этилмоқда.

Иштирокчиларнинг таъкидлашича, тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси автомобиль саноатини янада ривожлантириш учун муҳим омил бўлмоқда, автомобилсозлик корхоналарининг салоҳиятини намойиш этишга ёрдам бермоқда.

Қайд этиш жоизки, ушбу тадбирлар қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳам жадал суръатда ривожланиб бораётганини кўрсатмоқда. Масалан, Тошкент трактор заводи бир неча турдаги тракторлар, тиркамалар, пахта териш машиналари, Агрегат заводи пуркагичлар, сеялкалар, роторли ўт ўргичлар, ўғит сочгичлар, «Технолог» очик акциядорлик жамияти пахта териш машиналари учун бутловчи узел ва деталлар, «Чирчиқшолоқмаш» очик акциядорлик жамияти омон ҳамда культиваторларни намойиш этмоқда. «Фиат» компаниялар гуруҳига қирадиган «ЎзКейстрактор» ва «ЎзКейсмаш» кўшма корхоналарининг стенди ҳам эътиборга лойиқдир.

Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуаси корхоналарини ривожлантириш ҳақида батафсил ахборотни ҳамкорлик учун тақлифлар тақдим этиладиган тақдирот маросимларида олиш мумкин.

Иштирокчилар режалаштирилган тадбирлар давомида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан танишиди, товарлар етказиб бериш бўйича музокаралар ўтказиб, шартномалар тузди, янги турдаги саноат маҳсулотларини ўзлаштириш учун аҳдлашув шартномаларини имзолайди, ишлаб чиқарувчининг келгуси йил учун буюртмалар портфелини ташкил қилади.

Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуаси корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

**М.МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири**

«ҲАМКОРБАНК» — ОСИЁНИНГ РИВОЖЛАНАЁТГАН БОЗОРЛАРИДАГИ ЭНГ ЯХШИ БАНКИ

Американинг «Global Finance» журнали жорий йилнинг 19 март куни «Осиёнинг ривожланаётган бозорларидаги энг яхши банклари» рўйхатини эълон қилди. Мамлакатимиз банк тизимида ўз муносиб ўрнига эга бўлган «Ҳамкорбанк» ҳам мазкур рўйхатдан ўрин олган бўлиб, Осиё минтақасининг ривожланаётган бозорларидаги энг яхши банк деган шарафли номга муносиб, деб топилди.

«Global Finance» журнали 20 йилдан буён Лотин Америкаси, Марказий ва Шарқий Европада, Осиё-Тинч океани минтақаси, Яқин Шарқ ва Африка давлатларини қамраб олган мамлакатлар иқтисодийоти билан боғлиқ тадқиқотларни ўтказиб келади.

Журнал тахририяти молиявий таҳлилчилар, корпорация раҳбарлари ва банклар маслаҳатчиларидан таркиб топган махсус гуруҳ ёрдамида Осиё ва Тинч океани минтақаларидаги 22 та давлат ривожланаётган бозорларининг энг яхши банкларини саралаб олди. Ғолибларни саралаш жараёнида мутахассислар банк активларининг ўсиши, фойда даражаси, стратегик ҳамкорлик муносабатлари, миқозларга хизмат кўрсатиш сифати, рақобатбардошлик қиймати ва инновацион маҳсулотлар сингари йўналишларга алоҳида аҳамият бердилар.

Бу борада олиб борилган эксклюзив тадқиқотлар ҳақида батафсил маълумотлар журналнинг шу йилнинг май ойидаги сонидан чоп этилади. Ғолибларни тақдирлаш маросими эса 2013 йил 12 октябрь куни Вашингтон шаҳридаги Халқаро миллий матбуот марказида Бутунжаҳон банки ҳамда Халқаро валюта фондининг катта анжуманида ўтказилади, деб хабар беради банк матбуот хизмати.

«Туркистон-пресс»

Президентимиз Ислон Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида давлат органлари фаолиятига ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш, аҳолига давлат интерфаол хизматларини кўрсатишни кенгайтириш вазифасини қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодезкадастр») ҳамда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш, фаолиятни автотоматлаштириш бўйича ахборот тизимларини яратиш, давлат интерфаол хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳамда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига бағишланган мажлисида шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси экспертлари, журналистлар иштирок этди.

Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида

ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ ВОСИТА

ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг электрон сўровларига хизмат кўрсатишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Қўмита мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси С.Арабов, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Р.Раимовнинг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида эришилган ютуқлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Ушбу идораларда ишлаб чиқилаётган «Электрон ҳуқумат» давлат интерфаол хизматларининг ягона платформасига мос ахборот тизимлари ҳамда ресурслари жорий этилмоқда. Уларнинг расмий веб-сайтлари яратилиб, ахборот ресурслари билан тўлдирилмоқда.

«Электронхисоб» идоравий биллинг ахборот комплексини татбиқ этиш «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компани-

яси фаолиятини ахборотлаштириш соҳасидаги муҳим лойиҳалардан биридир. Бу тизим электр энергиясини ҳисобга олиш ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича реал вақт режимида тезкор ахборот олиш имконини беради. Электрон тўлов тизимлари билан тўлиқ интеграциялашгани ушбу комплекснинг яна бир афзаллигидир. Бу эса аҳоли учун ҳам қулайлик яратди.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасида давлат рўйхат-қўмитасида давлат интерфаол хизматларининг тахриба намуналари амалга оширилди. Бунинг натижасида жисмоний ва юридик шахслар олдига туриб, мулкка эгалик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш имконига эга бўлмоқда.

Мажлис давомида барча таркибий бўлимларда маҳаллий корпоратив тармоқларни шакллантиришни жаддалаштириш, ахборот хавфсизлиги чораларини таъминлаш, электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий қилиш ҳисобидан қозғос сарфини қисқартириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА муҳбири**

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, қонун лойиҳасида назарда тутилган гаров реестридан узулқис ва кечаю кундуз эркин фойдаланиш имконияти тегишли дастурий таъминот воситасида қўллаб-қувватлаб турилади, бу эса маълумотлар базасидан аниқ вақт режимида фойдаланиш ҳамда рўйхатга олишининг соддалаштирилган тартибидан, шунингдек, гаров ахбороти олиш имкониятидан фойдаланиш учун шароит яратди. Бунда қонун лойиҳаси энг яхши халқаро тажрибага ва гаров реестри тизимини тартибга солувчи норматив ҳужжатларга, таъминот битимларига, шунингдек, бир қатор хориқий мамлакатлар — АҚШ, Канада, Буюк Британия, Хитой, Австралия ва бошқа мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига мос келади. Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда фракция аъзолари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишнинг аниқ муддатларини кўрсатишни қатъий талаб қилдилар.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари янги тахрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси корпоратив бошқарув ҳамда назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва масъулиятини янада аниқ белгилаб қўйишга, акциядорлик жамиятлари қўзғув кенгашларининг, умумий йиғилишлари ва тафтиш комиссияларининг роли ҳамда аҳамиятини оширишга, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ахборот жиҳатидан акциядорлар ва имкониятини инвесторлар учун очилдиғини таъминлашга қаратилган.

ЎзДХП фракцияси депутатларининг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг муҳимлиги унинг концепциясига ҳам, ишчи гуруҳ томонидан тақлиф этиладиган ҳар бир нормага ҳам сингизилган билан эътибор беришни талаб этади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда фракция аъзолари қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари аъзоларини ҳамда қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқ субъекти вакилларини тақлиф этган ҳолда очик ошқора муҳокама жуда ўз вақтида ташкил этилганлиги ва ўтказилганлигини, бу эса жуда кўплаб саволларга жавоб олиш ва Қонунчилик палатаси мажлиси янада жиҳидий тайёргарлик қўриш имкониятини яратганлигини таъкидладилар.

Фракция аъзолари шунини қайд этдиларки, ушбу қонун лойиҳасида ҳал этиладиган энг муҳим вазифа республикада корпоратив муносабатларни янада ривожлантиришдан иборатдир. Акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, уларнинг устав фондидини шакллантириш, қимматли қозғаларнинг бозор қийматини белгилаш, акцияларни оммавий тақлиф этиш орқали жамиятларнинг акцияларини жойлаштириш, шунингдек, бошқарув органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва масъулиятини, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш масалаларини янада аниқ тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзДХП фракцияси аъзолари акциядорларнинг, хусусан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигини кучайтириш, чунончи уларнинг акциядорлик жамиятини бошқаришдаги иштироки механизмининг янада аниқ белгилаш, бундай акциядорларнинг манфаатларини ифода этувчи махсус органини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, қонун лойиҳасида акциядорлик жамиятини бошқариш органини тузилмасида миноритар акциядорлар қўмитасини ташкил этиш назарда тутилган бўлиб, бундай қўмита акциядорлар томонидан тайинланади ва акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдор бўлади, қўмитанинг асосий вазифалари миноритар акциядорларнинг муносабатларини кўриб чиқиш, жамиятнинг миноритар акциядорларнинг қонуний манфаатларига эид бўлган битимлари бўйича ҳулосалар чиқаришдан иборат.

Шу билан бирга, фракция аъзоларининг таъкидлашича, қонун лойиҳаси муйяйн даражада қайта ишланиш, хусусан, акциядорларнинг ҳуқуқларини янада аниқ белгилаш, шунингдек, қонун нормаларида акциядорлик жамиятларининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ тартиб-таомилга оид масалаларни янада аниқ белгилаш борасида қайта ишланиш талаб этади. Шунини ҳисобга олган ҳолда фракция аъзолари қонун лойиҳасини қайта ишлаш муддатини мажбурий тартибда белгилаб қўйган ҳолда биринчи ўқишда қабул қилиш тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватладилар.

«Миллий тикланиш» ДП фракцияси вакиллари Қонунчилик палатасининг мажлисида масъул қўмита вакилининг ахбороти эшитилиб, депутатларга «Миллий тикланиш» ДП фракциясининг қарор лойиҳаси юзасидан тақлиф этилганлигини, чунончи, қонун лойиҳаси инвесторларнинг, айниқса, миллий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини янада кучайтиришга хизмат қилишни таъкидладилар. Қонун ҳужжатида «аффилиланган шахслар» ва «манфаатли битимлар» тушунчалари ҳамда уларга қўйилган талаблар аниқлаштирилган. Тузиллиш манфаат келтирувчи битимлар ҳақидаги батафсил ахборотни ошқор этишга қўйилган талабларни белгилаш ҳамда бундай битимларни мустақил аудитори таъкидлаш томонидан қўзғатув кенгаши ёки акциядорларнинг талабига кўра тегишли ҳулосалар тақдим этган ҳолда олдиндан ўрганиш йўли билан акциядорлик жамиятларининг битимлар тузиши шаффофлигини оширишга доир нормалар назарда тутилган.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси манфаатли битимлар тузиш чоғида зарарни қоплаш тўғрисидаги мажбуриятларни белгилаш йўли билан акциядорлик жамияти бошқарув органлари аъзоларининг акциядорлар олдидаги жавобгарлигини кучайтириш ҳамда бундай битимларни акциядорларнинг даъво аризасига кўра суд қарори билан ҳақиқий эмас, деб эътироф этиш имкониятини назарда тутиди.


«Адолат» СДП фракцияси аъзолари фракциянинг фикрларини мажбурий тартибда ҳисобга олиш муҳимлигини, бу оз сонли фракцияларга нисбатан устуллик беришнинг алоҳида таъкидладилар. Фракция аъзоларининг фикрига кўра, қонун лойиҳаси акциядорлик жамияти фаолиятининг ахборот жиҳатидан барча акциядорлар ва имконияти инвесторлар учун очилдиғини таъминлаш механизмининг назарда тутиди, акциядорлик жамияти фаолиятининг очиллиги ва шаффофлигини, тегишчан уларга нисбатан ишонч таъминлаш имкониятини яратди. Чунончи, акцияларни фонд биржасининг листингига киритилган акциядорлик жамияти фонд биржасининг сайтида ўз устави матинини, шу жумладан, унга ўзгартиш ва қўшимчаларни эълон қилиш лозим. Акциядорлик жамиятининг акциядорларга ахборот тақдим этиши, акциядорлик жамияти ўзининг аффилиланган шахслар тўғрисидаги ахборотини эълон қилиш механизми назарда тутилган.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қабул қилинганлигини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур қонун лойиҳаси айрим ҳуқуқий нормаларни қонун ҳужжатларига янгитдан киритиладиган тузатишларга мувофиқлаштириш мақсидида ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролари ва Ер кодексларига, «Масъулият чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги қонунларга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Хар томонлама муҳокамадан сўнг депутатлар юқорида кўрсатиб ўтилган барча қонун лойиҳаларининг асосий қондаларини маълумладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келиб тушган тафтишларни ҳисобга олган ҳолда кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси масъул қўмиталарга топширилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати**



Сўлим оромгоҳлар болажонларни ўз бағрига чорламоқда

Бугунги муҳим жараёнлардан бири, шубҳасиз хорижий тилларни ўрганишга қаратилаётган давлат сиёсати даражасидаги эътибордир. Бунда Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айтишларича, тил ўрганиш фикр-лаш қобилиятини ривожлантирад экан. Ҳар қандай тил ўзида шу миллатнинг бутун тарихий ривожланиши-ни акс эттиради. Чет тилини ўрганиш билан сиз бутунлай бошқа оламга чўмасиз. Дунёни бошқа нуктадан кўра олиш имконига эга бўласиз. Биз бу билан дунё халқлари маданияти ва илм-фаннинг энг юксак ютуқларини ўрганимиз, ҳаётимизни бойита оламиз. Бежизга ҳам «Тил билган эл билар» мақоли айтилмаган. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, инсон мия ҳужайралари қанчалик кўп ишласа, унинг интеллектуал салоҳияти даражаси шунчалик юқори бўлар экан. Бунга ёрдамчи бўлиб қолган бир нечта тилларни билган ва уларда ижод қилган қўмусий алломаларимизни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Балки юртимизда яратилаётган шарт-шароитлардан муносиб фойдаланган ҳолда бир нечта хорижий тилларни ўрганаётган, дунё интеллектуал захирасидан фойдаланиш имконига эга бўлган ёшларимиз уларнинг муносиб давомчилари бўлар.

Муҳтасар қилиб айтганда, юқоридаги қарор барча инглиз тили ўқитувчилари қатори менинг иш фаолиятимда ҳам туб бурилиш ясади. Мактаб раҳбарияти ва хорижий тиллар метод бirlашмаси билан ҳамкорликда инглиз тилини ўрганиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Мактабда фаолият юритаётган барча фан ўқитувчилари кутубхона ходими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси ҳам қамраб олингани ҳолда, уч гуруҳда инглиз тили ўқитувчилари томонидан ўқитилмоқда. Бугун улар

Қарор ва ижро

ТИЛ БИЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

«Менинг касбим ўқитувчи» дея ўзлари ҳақида фахр билан инглиз тилида маълумот бера оладилар. Ҳаттоки, айрим ўқитувчиларнинг тил ўрганишга бўлган иштиёқлари баланд. Улар «ойнаи жаҳон» орқали берилган инглизча тестлар ва билимларни тушуниб, ўзлаштириб бораётганликларини мамнуният билан тилга олишади.

Февраль ойида бўлиб ўтган «Йилнинг энг яхши синф раҳбари — 2013» кўрик-танловининг шаҳар босқичида иштирок этар эканман, «Инглиз тили тарбиявий соатларда» деб номланган ўз концепциямни яратдим. Инглиз тили ўқитувчиси бўлганим бу танловда муваффақиятли иштирокимни таъминлади. Яратган концепциям ва намунали очик тарбиявий соатда инглиз тилидан ҳам фойдаланганим боисми, яқинда «Йилнинг энг ижодкор синф раҳбари — 2013» номинациясига сазовор бўлдим. Бунга ҳам бўлса тил билишнинг фойдаси деб билман.

Дунёга болалар нигоҳи билан боқинг. Шунда унинг гўзаллигини ҳис қиласиз ва кўрасиз, деб бекорга айтишмас экан. Ўз метод кўнарида туманимиздаги 584-МТМнинг тайёрлов гуруҳида болажонлар билан ишлаб

бунга ўзим амин бўлдим. Баъзи пайларда бу муассасага таширф буюрганимда болалар ҳовлида сайр қилишадиган ёки машғулот ўтаётган бўлишди. Пастки қаватдан иккинчи қаватга кўтарилгунча улар мени турли саволларга қўйиб ташлашади. Устоз, олма «apple»миди, хўроз «cock»миди, она «mother» бўладими, дея ўзларини қизиқтирган болаларча беғубор саволларни беришади. Улар орасида Дилноза, Муслима, Бекзод ва Азималар энг иқтидорлиларидир. Бугун болажонлар ҳарфларни яхши танийдилар. Санашга келганда ўнгача барчаси бемалол, йигирмагача эса энг зукколарини санай олишади. Жаннатмакон дёғиримизда етиштирилаётган меваю сабзавотлар номини алақачон ёдлаб олишган.

Бугун дунёнинг энг нуфузли ташкилотларида, илм-фан ва маданият оламини турли халқаро соҳаларда инглиз тили ишчи тил ҳисобланади. Каттаю кичик хорижий тилларни ўрганишга киришган экан, келажакда Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутишида бу албатта ўз самарасини беради.

Ирода ИСМОИЛОВА,
Бектемир туманидаги 292-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Европа кунига бағишлаб «Ўзбекистондаги авангард санъат асарлари тўпламларида Европа мавзуси» деб номланган кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмалар

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИДА ЕВРОПА МАВЗУСИ

Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъат музейидан саралаб олинган тўпламлар кўргазмаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъат музейи ва Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи делегациясининг иккинчи ҳамкорликдаги кўргазмаси бўлиб, аввалги шу каби кўргазма 2008 йилда «Европа ўзбекистонликлар нигоҳида» номи остида музейнинг экспозиция залларида ўтказилган эди.

Кўргазма жамламасида ташкил этилган рангтасвир ва графика санъат асарлари «Ўзбекистон санъатида Европа» номли коллекциядан жой олган. Унда Европада бўлиб қайтган маҳоратли рассомларнинг ижод намуналари намойиш этилмоқда. Уларнинг айримлари Европада узок вақт ижод этганлар, бошқалари эса Европа бўйлаб саёҳат қилишган. Н.Ульянов, Н.Кузнецов, К.Редко, П.Суриков, А.Ульянова, В.Шухаев, Глаголева каби рассомлар шулар жумласидандир.

Маъруз кўргазмадан ўрин олган асарлар, жумладан, рассом Аркадий Ставровскийнинг графикалари илк маротаба томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Хусусан, бу рассомнинг 2000 дан ортиқ асарлари музей коллекцияларида сақлаб келинмоқда ҳамда унинг ижоди кўпчилик учун янгиликдир. Кўргазмада рассомнинг Иккинчи жаҳон уруши даврида яратилган асарлари намойиш этилаётган бўлиб, рассомнинг ўзи ҳам бу урушда қатнашган.

Умуман, кўргазмадаги барча асарлар мавзуларининг хилма-хиллиги, XX аср тасвирий санъатининг мазмунли ва серкүралиги билан диққатни ўзига жалб этади. Ушбу кўргазма 30 майга қадар давом этади.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси
Нигора МАҲКАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 25 июнь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Ҳамза туман суд ижрочилири бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 4 апрель кунги 1-10/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

1. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Фаргона йўли кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий ер майдони 459,0 м.кв., фойдали майдони 146 м.кв. бўлган нотураж жой (цех) биноси. Бошлангич нархи — 36 227 969 сўм.

2. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Фаргона йўли кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий майдони 5 284,0 м.кв., фойдали майдони 2 753,0 бўлган, бир ва уч қаватли бешта бинодан иборат бўлган офис ва ишлаб чиқариш худуди. Бошлангич нархи — 1 012 958 813 сўм.

II. Чилонзор туман суд ижрочилири бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 4 апрель кунги 1-10/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Афсона кўчаси, 48-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1 384,0 м.кв., фойдали майдони 710,0 м.кв. бўлган нотураж жой (маъмурий ва омборхона) биноси савдога қўйилган. Бошлангич нархи — 324 724 278 сўм.

2013 йил 11 июнь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. www.realtorgroup.uz. Лицензия: № RR-0017.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммага айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали абонентлари — жисмоний шахслар жабрланмоқда, айни пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаёти таъминлаш корхоналарининг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг барбод бўлишига сабаб бўлмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз мижозлари учун шикастланишлар оқибатларини камайтириш ва алоқани тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғирларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай ҳатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали фуқароларни **огоҳ бўлишига даъват этади**. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, **кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари** орқали хабар беришингизни сўраймиз.

УЗТЕЛЕКОМ

Манзилими: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 232-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11938 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05-телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида
28 майда ҳаво ўзгариб
туради, ёғингарчилик
шароити шаҳар ҳаво му-
ҳитида зарарли модда-
ларнинг сақланиб қоли-
шига имконият яратма-
ди, таъмиқдори паст
бўлади.

дарожа иссиқ
бўлади.
Ўзгидрометнинг
мониторинг хизма-
ти маълумотиға
кўра, **28 майда**
Тошкент шаҳри об-ҳаво
шароити шаҳар ҳаво му-
ҳитида зарарли модда-
ларнинг сақланиб қоли-
шига имконият яратма-
ди, таъмиқдори паст
бўлади.

Тошкент ОҚШОМ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 541

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Босишга топширилди: 14.40